

**JOURNAL OF SOCIAL RESEARCH IN UZBEKISTAN**

journal homepage:

<https://topjournals.uz/index.php/jsru>**THE ROLE OF ENVIRONMENTAL EXPERTISE IN ENSURING ECOLOGICAL BALANCE****Uktam Chorievich Utaev**

Independent researcher,
Law enforcement academy
of the Republic of Uzbekistan
Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Keywords: Ecology, balance, expertise,
environment, nature.

Received: 08.10.23

Accepted: 10.10.23

Published: 12.10.23

Abstract: This article discusses and
analyzes the role of ecological expertise in
ensuring ecological balance.

ЭКОЛОГИК МУВОЗАНАТНИ ТАЪМИНЛАШДА ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗА РОЛИ**Ўктам Чориевич Ўтаев**

Мустақил тадқиқотчи,
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Экология, мувозанат,
экспертиза, атроф-муҳит, табиат.

Аннотация: Ушбу мақолада экологик
мувозанатни таъминлашда экологик
экспертиза роли мавзуси муҳокама ва таҳлил
этилган.

РОЛЬ ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ ЭКСПЕРТИЗЫ В ОБЕСПЕЧЕНИИ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО БАЛАНСА**Уктам Чориевич Утаев**

Независимый исследователь,
Правоохранительная академия Республики Узбекистан
Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Экология, баланс,
экспертиза, окружающая среда, природа.

Аннотация: В данной статье
рассматривается и анализируется роль
экологической экспертизы в обеспечении
экологического баланса.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.

Атроф муҳитнинг жорий ҳолати таҳлили, глобал ва минтақавий экологик муаммолар, янги экологик хавф-хатарлар Ўзбекистон Республикасида аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилаш борасида олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий жараённинг ажралмас қисми ҳисобланган 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини ишлаб чиқиш заруратини вужудга келтирди.

Концепция кўрсатиб ўтилган даврда атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилайди, уларнинг амалга оширилиши эса келажак авлодларнинг манфаатлари йўлида экологик мувозанатни сақлаш ҳамда давлатни барқарор ривожлантиришни таъминлаш имконини беради.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ҳар қандай жамиятда давлатни барқарор ривожланиш учун атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминланганлиги, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, шунингдек, ҳудудларнинг санитария ва экологик ҳолатини яхшилаш, экологик муҳит соғлом бўлиши зарур омиллардан бири ҳисобланади.

Экологик мувозанатни сақлаш, атроф-муҳитни ифлосланишини олдини олишда норматив-ҳуқуқий жаҳон андозаларига мос бўлишини талаб қилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни табиий муҳит шароитларини сақлашнинг, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб берди. Қонуннинг мақсади инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар уйғун мувозанатда ривожланишини, экология тизимлари, табиат комплекслари ва айрим объектлар муҳофаза қилинишини таъминлашдан, фуқароларнинг қулай атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлашдан иборатдир.

Инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар уйғун мувозанатни таъминлашда ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, қонуннинг тийиб туриш тамойилидан фойдаланиш заруратини келтириб чиқаради.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг маълумотларига кўра, мамлакатимизда атмосфера ҳавосига бир йилда **2,2 млн** тонна ташламалар ташланиб, шуларнинг **60 фоизи** автотранспорт ва **40 фоизи** саноат корхоналари ҳиссасига тўғри келади.

Республика бўйича ташланмалар олдинги йилларга нисбатан камаяётгани билан бир қаторда, саноат ривожланган **Қашқадарё, Самарқанд ва Тошкент вилоятлари** ҳамда **Тошкент шаҳрида** ташланмаларнинг миқдори юқориликка қолмоқда.

Таҳлилларга қараладиган бўлса, республикада умумий саноат ташламалари **874 минг** тоннанинг **Тошкент вилоятидаги** улуши **438 минг** тонна ёки **50 фоизини** ташкил этмоқда.

Бундай салбий ҳолатларни келиб чиқишига корхоналардаги чанг-газ тозалаш ускуналарининг паст самарадорликда ишлаётганлиги ёки умуман мавжуд эмаслиги, шунингдек ифлослантирувчи моддалар ташламаларни назорат қилиш бўйича замонавий технологияларни (автоматик станциялар) қўллаш йўлга қўйилмаганлигидир.

Республикадаги I ва II тоифага кирувчи **1500 дан** ортиқ йирик ва ўрта хавфга эга саноат корхоналаридаги **5000 га** яқин чанг газ тозалаш ускуналарининг **60 фоизи** сўнгги **10 йилликда** модернизация қилинмаган.

Атмосфера ҳавосини ифлосланиши бўйича 2020 йилда **20 та**, 2021 йилда **44 та**, 2022 йил **100 га** яқин, жорий йилнинг ўтган 6 ойида эса **60 дан ортиқ** мурожаатлар келиб тушган.

Биргина, Олмалик шаҳрида истиқомат қилувчи аҳолидан “ОКМК” АЖ фаолият натижасида атмосфера ҳавоси ифлослантириладиётганлиги, Ангрен шаҳар “Янги Ангрен ИЭС” АЖ ва “Ангрен ИЭС” АЖда республикадаги жами 9 та ИЭСлардан фарқли равишда энергия ишлаб чиқариш жараёнида кўмидан фойдаланилиши натижасида атмосфера ҳавоси меъёрдан ортиқ ташлама ташланаётганлиги натижада ҳудудда яшовчи аҳолидан мурожаатлар келиб тушмоқда.

Бу каби мисолларни, **Фарғона вилояти** Ўзбекистон тумани “Шўрсув” маҳалласи ҳудудида мавжуд **32 та** цемент ва гипс ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти натижасида атмосферага доимий (айниқса баҳор ва ёз мавсумида) равишда гипс ва цемент чангининг ташланиши натижасида ҳудудда истиқомат қилувчи аҳолининг саломатлигига жиддий таъсир кўрсатаётганлиги, ушбу ҳудудда яшовчи аҳолининг **30 фоизга** яқини юқори нафас йўллари ва аллергия касалликлар билан боғлиқ муаммолар мавжудлиги тўғрисида мурожаатлар келиб тушган.

Иккинчидан, ёқилғи энергетика маҳсулотларининг нотўғри фойдаланилиши, илгари табиий газда ишлашга ихтисослашган ва аҳолига яқин жойлашган айрим корхона ва ташкилотлар фаолияти устидан ҳозирда кўмидан бошқа ёқилғилардан фойдаланилиши аҳолининг **жиддий эътирозларига** сабаб бўлмоқда.

Мисол учун, **Тошкент вилояти** Тошкент туманидаги мавжуд иссиқхоналарда кўмидан маҳсулотлари ёки бошқа турли чиқиндиларни ёқиши орқали қиш мавсумида иссиқхоналар қиздирилиши, **Навоий вилояти** Қизилтепа тумани Оқсоч ва Яшнабод маҳаллалари ҳудудида мавжуд **20 га** яқин ғишт ишлаб чиқарувчи корхоналар кўмидан фойдаланилиши, **Андижон**

вилояти Андижон тумани “Қум кўча” маҳалласи Ҳакан саноат ҳудудидаги мавжуд гишт ва оҳак ишлаб чиқариш цехлари фаолиятида сўнгги бир йилда кўмир маҳсулотлари ёқирилиши натижасида атмосферага доимий зарарли газлар ташланаётганлиги аниқланган.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, сайёрамизнинг **99 фоиз** аҳолиси ифлосланиш даражаси белгиланган меъёрдан юқори бўлган ва инсон саломатлигига хавф туғдирадиган ҳаводан нафас олади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳозирги кунда Ўзбекистон экологияни асраш, хусусан тоза ҳаво муаммолари ечимига ёндашувни мутлоқ ўзгартирмоқда, яшил иқтисодиётни жорий қилиш йўлида изланмоқда, ҳудудларни яшиллаштириш сиёсатини олиб бормоқда. Ўзбекистоннинг янги тараққиёт стратегиясида ҳам шу масалаларга кенг ўрин берилган.

Шуларни инобатга олиб, **республика бўйича 2022-2023 йилларга** мўлажалланган саноат корхоналаридаги мавжуд **1000 дан зиёд** филтрларни янгилаш бўйича ҳамда **Фарғона вилояти** ҳамда **Тошкент шаҳрида** атроф-муҳит мусоффолиги таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасидан алоҳида дастурлар қабул қилиниб, ижрога қаратилди.

Сайёрамиз олдида турган атмосфера муаммоларига ечим излашнинг энг биринчи қадами – бу **ҳаво сифатини автоматик мониторинг** қилиб боришдир.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “**Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида**” 2023 йил 31 майдаги ПҚ-171сон қарорига асосан кейинги **икки йил** давомида республикада **саноат ташламалари юқори бўлган** ва ҳавода доимий тутун (смог) ҳосил қилувчи **Тошкент, Ангрен, Бекобод, Олмалиқ, Оҳангарон, Чирчиқ** шаҳарларида, шу билан бирга, саноати ривожланган **Ўзбекистон, Оҳангарон, Навоий, Қорақўл, Қоровулбозор, Ғузор, Муборак, Сергели, Яшнобод** ва **Янгиҳаёт** туманлари ҳудудларда **атмосфера ҳавоси ҳолатини баҳолаш бўйича рақамли мониторинг тизими** жорий этилиши белгиланди.

Ифлослантирувчи моддаларнинг юқорилиги ишлаб чиқаришнинг ўсиши билан боғлиқ бўлса, иккинчидан саноат корхоналаридаги чанг-газ тозалаш ускуналариининг маънан эскирганлигидир.

Бу каби муаммоларни ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захираларидан фойдаланишда ҳам антропоген таъсирнинг кўпайиб бораётганлигини кузатиш мумкин.

Инсон саломатлиги учун, экологик мувозанати, жонли табиатнинг турлари ва генетик фонди бойлигини сақлаб қолиш, экология тизимлари, ландшафтлар ва ноёб табиат объектлари хилма-хиллигини сақлаб қолиш, экология хавфсизлигини таъминлашда экологик экспертизанинг роли катта ҳисобланади.

Россиялик олим З.Аббасова “Атроф-муҳитнинг ифлосланишини олдини олишда экологик экспертиза асосий инструмент” деб таъкилайди. Эканлигини

Экологик экспертиза - режалаштириладиган ёки амалга ошириладиган хўжалик ва бошқа хил фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини белгилаш ҳамда экологик экспертиза объектини рўёбга чиқариш мумкинлигини аниқлаш хизмат қилади.

Экологик экспертиза мўлжалланадиган хўжалик ва бошқа хил фаолиятни амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилинишидан олдинги босқичларида бундай фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини, режалаштириладиган ёки амалга ошириладиган хўжалик ва бошқа хил фаолият атроф табиий муҳит ҳолатига ва фуқаролар соғлиғига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлса ёки шундай таъсир кўрсатадиган бўлса, бундай фаолиятнинг экологик хавфлилик даражасини, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича назарда тутиладиган тадбирларнинг етарлилиги ва асослилигини аниқлайди.

Амалдаги қонунчилигимизга мувофиқ экологик экспертиза давлат ва жамоат экологик экспертизаси, шунингдек экологик аудит тарзида амалга оширилади.

Экологик экспертизаси қонунийлик, холислик, асослилик, экологик хавфсизлик талабларини ҳисобга олишнинг мажбурийлиги, ҳар қандай режалаштириладиган хўжалик ва бошқа хил фаолиятнинг эҳтимол тутилган экологик хавфлилик презумпцияси, хўжалик ва бошқа хил фаолиятнинг атроф табиий муҳитга ва фуқаролар соғлиғига таъсирини баҳолашнинг комплекслилиги асосида амалга оширилади.

Давлат экологик экспертизаси объектлари давлат дастурларининг, концепцияларининг, ишлаб чиқариш кучларини, иқтисодий ва ижтимоий соҳа тармоқларини жойлаштириш ҳамда ривожлантириш схемаларининг лойиҳалари, барча турдаги қурилишлар учун ер участкаларини ажратиш материаллари, лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатлари, табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ, хўжалик ва бошқа хил фаолиятни тартибга солишчи норматив-техник ва йўриқнома-услубий ҳужжатларнинг лойиҳалари, техника, технология, материаллар, моддалар, маҳсулотларнинг янги турларини яратишга доир ҳужжатлар, атроф табиий муҳит ҳолатига ва фуқаролар соғлиғига салбий таъсир кўрсатувчи ишлаб турган корхоналар ва бошқа объектлар, кейинчалик уларга муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, фавқулодда экологик вазият ва экологик офат зоналари мақомини бериш мақсадида ўтказилган ҳудудларни комплекс текшириш материаллари, шаҳарсозлик ҳужжатларининг барча турлари, махсус ҳукукий режимли объектлар ҳисобланади.

Давлат экологик экспертизасини тўғрисидаги Қонуннинг 11-моддасида кўрсатиб ўтилган объектларни давлат экологик экспертизасидан ўтказиш мажбурийдир.

Юқорида келитрилган атмосфера ҳавосининг ифлослантирилиши билан боғлиқ ҳолатлар каби муаммоли масалаларга йўл қўймаслик мақсадида экологик экспертиза жараёнида тақдим этилган материалларнинг табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқлиги, режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик ва бошқа хил фаолиятнинг экологик ва ижтимоий оқибатлари тўғрисидаги маълумотларнинг тўғрилиги ва тўлиқлиги, биологик, кимёвий моддалар ва технологияларнинг атроф табиий муҳитга таъсирини баҳолашнинг асослилиги, режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик ва бошқа хил фаолиятни амалга ошириш оқибатларининг экологик хавфлилиги даражасини баҳолашнинг тўғрилиги, экологик хавфсизлик талабларини таъминлашга доир чора-тадбирларнинг етарлилиги ва асослилиги ҳамда экологик нормативлар лойиҳаларининг асослилиги текширилади.

Давлат экологик экспертизасининг хулосаси давлат экологик экспертизаси объектини молиялаш ва рўёбга чиқаришда юридик ва жисмоний шахслар томонидан ижро этилиши мажбурийдир. Давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосаси бўлмай туриб, лойиҳаларнинг банк ва бошқа кредит ташкилотлари томонидан молияланиши, шунингдек уларнинг рўёбга чиқарилиши тақиқланади.

Давлат экологик экспертизасининг давлат экологик экспертизаси объектини рўёбга чиқариш мумкин эмаслиги тўғрисидаги хулосаси бўлган тақдирда, буюртмачи хулосадаги мавжуд таклифларга мувофиқ лойиҳа маромига етказилишини таъминлаш ҳамда материалларни давлат экологик экспертизаси учун қайта тақдим этиши ёхуд режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик ва бошқа хил фаолиятдан воз кечиши шарт.

ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасини трансформация қилиш ва ваколатли давлат органи фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ 2024 йил 1 январдан бошлаб атроф-муҳитга таъсири бўйича I тоифага ва II тоифага кирувчи янги объектларни лойиҳалаштиришда юқори самарадорликка эга чанг-газ тозалаш ускуналари ва (ёки) локал сув тозалаш иншоотлари ўрнатилиши кўзда тутилмаган лойиҳаларни давлат экологик ва шаҳарсозлик экспертизаларидан ўтказиш ҳамда қурилиши тугалланган объектларни, уларни ўрнатмаган ҳолда фойдаланишга қабул қилиш ман этилиши белгиланди.

-2024 йил 1 январдан бошлаб атроф-муҳитга таъсири бўйича I — IV тоифаларга кирувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини белгиланган тартибда давлат экологик экспертизасидан ўтказиш жараёнида Вазирлик томонидан углерод нейтраллигини таъминлаш бўйича мақсадли кўрсаткичлар белгиланади.

Бунда:

фаолият туридан келиб чиқиб, атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш материалларида ишлаб чиқариш натижасида ҳосил бўладиган иссиқхона газлари миқдори ҳамда углерод изини (carbon footprint) камайтиришнинг аниқ кўрсаткичлари лойиҳа паспорти билан белгиланади;

белгиланган кўрсаткичлар асосида углерод изини камайтириш бўйича давлат экологик экспертизаси хулосасида ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан амалга оширилиши мажбурий бўлган чора-тадбирлар ишлаб чиқилади;

давлат экологик экспертизаси хулосасида белгиланган чора-тадбирларнинг бажарилиши юзасидан мониторинг олиб борилади, унинг натижалари қонунчиликда белгиланган тартибда жарима ва қўшимча компенсация тўловларини қўллашга асос бўлади;

давлат экологик экспертизаси хулосаси ва унинг бажарилиши юзасидан олиб борилган ишлар бўйича ахборот Вазирликнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади;

- 2024 йилдан бошлаб марказлашган инвестиция лойиҳалари ҳамда атроф-муҳитга таъсири бўйича I-II тоифага кирувчи фаолият турларига оид марказлашмаган инвестиция лойиҳалари белгиланган тартибда давлат экологик экспертизадан ўтказилади;

-2024 йил 1 январдан бошлаб эксперимент тарикасида Ҳукумат томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ атроф-муҳитга таъсири бўйича III-IV-тоифага кирувчи фаолият турларига оид лойиҳалар нодавлат ташкилотлари томонидан экологик экспертизасидан ўтказилиши мумки.

Амалга оширилаётган ислохотлар экологик мувозантни сақлаш ижобий натижалар беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Бюллетень науки и практики. Научный журнал №6(июнь) 2016
2. “Экология экспертиза тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 144-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 1-2-сон, 1-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 29.04.2021 й., 03/21/688/0394-сон).